

# НАВОЙ ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИК САЛОХИЯТИНИ СТРАТЕГИК БАҲОЛАШ

**Назаров Назиржон Нарзиллоевич**  
*Alfraganus university катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Тезисда Навоий вилоятининг экологик нуқтаи назардан таҳлил амалга оширилган бўлиб, минтақа ҳавосини ифлосланиши, ер деградацияси, сув танқислиги ва бошқа бир қанча муаммолар аниқланган. Муаллиф томонидан минтақадаги муаммоларнинг келиб чиқиш оқибатлари ва олдини олиш тўғрисида илмий асосланган ҳамда фаразлардан иборат фикрлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** минтақа, экология, атмосфера ифлосланиши, сув тақчиллиги, озиқ-овқат ҳавфи, ер ресурслари.

Мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари асосида ушбу мақсадларга эришиш тезлашади [1].

Навоий вилояти айнан экологик жиҳатдан инсон соғлигига ҳавфли ҳудудларга эга бўлиб, атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда муаммоларнинг олдини олиш юзасидан стратегик дастурлар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Вилоятда йирик саноат корхоналари мавжудлиги, кимё саноати, тоғ-кон саноати ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳисобида вилоят ҳудудида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг 90-95 фоизи ушланиб қолгандан кейин ҳам статистик маълумотларга қараганда йилига 41,6 минг тонна заҳарли моддалар атмосферага чиқарилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин [2].

Атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар ҳавони ифлослантириши билан бирга иссиқхона эфекти сифатида ҳам минтақада ўз

## International Conference on Education and Innovation

таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан дунё ҳамжамиятида ҳам ер юзида иқлим ўзгаришларига инсон фаолияти сабаб қилиб кўрсатилмоқда: атмосферага чиқариладиган газлар, тинимсиз қурилишлар, яшиликнинг йўқолиши, майший чиқиндиларнинг оқилона бартараф этилмаслиги каби ҳатти-ҳаракатлар сабаб қилиб кўрсатиляпти. Бунинг таъсирида юзага келаётган иссиқхона эфекти бутун инсониятга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иқлим исишини тезлаштирадиган иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар ҳам тўсатдан сунъий равишда тез кўпайтирилмоқда. Аксига, унинг назорати, мувозанатини ушлаб туриш учун табиатнинг ўзига ҳам имкон қолдирилмаяпти.

Бу каби ноодатий иссиқлик жамиятнинг барча соҳаларида маълум салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчи акс таъсир шундоқ ҳам ахолиси ўта зич шаҳарларда бевосита ахоли саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шаҳар ахолиси давомли жазирамалардан азият чекади. Бу қариялар ва ҳамроҳ касали бор кишиларда яққол сезилади. Иккинчи таъсир энергетика тизимида яққол кўринади. Давомли ва кечалари ҳам ҳароратнинг ноодатий юқори бўлиши энергияга бўлган талабни кескин оширади.

Олимлар келажакда иссиқхона эфектидан жабр кўрмаслик учун керакли тавсияларни ҳам беришган:

- қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланишни камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш;
- энергия самарадорлигини ошириш ва соҳаларни энергия тежовчи технологиялар билан модернизация қилиш;
- табиатда яшиликни кўпайтириш, ўрмон ёнгинларининг олдини олиш, дарахтзорларни кўпайтириш;
- экологик тоза қишлоқ хўжалигига ўтиш;
- тупроқ таркибидаги органик моддаларни сақлаб қолиш (чунки уларнинг йўқолиши тўғридан-тўғри иссиқхона эфектига таъсир қиласди);
- экологик тежамкор транспорт турларига ўтиш [3].

Шу билан бирга таҳлил натижалари атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун табиатни муҳофаза қилиш органининг ваколатлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Замонавий шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ва табиий мухит ўртасидаги ўзаро муносабатларда экологик мувозанатни таъминлаш асосида ижтимоий, экологик ва иқтисодий манфаатларни келишилган комбинациясида ривожланиши керак, бу экологик жиҳатдан мувозанатли ер майдонларини агроландшафт асосида ташкил этмасдан ва уларни яратиш назарияси ва амалиётини ривожлантирумасдан мумкин эмас.

**Ер деградацияси.** Жамиятнинг аграр ишлаб чиқариш соҳасидаги иқтисодий ва экологик манфаатларини уйғунлаштиришга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ерларининг таназзулга учраши сабабларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқарувчи ҳамда ер ресурслари ўртасидаги ўзаро муносабатларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари ва технологияларни ишлаб чиқиши ўз ичига олган комплекс муаммони ҳал этиш зарур. Ушбу вазифаларни ҳал этиш бир вақтнинг ўзида ер ва бутун аграр ишлаб чиқаришдан фойдаланишни янада жадаллаштириш бўйича ижтимоий-экологик ва иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқиши таъминлайди. Ер эгалари ва уларнинг муҳим вазифалари ер ресурсларидан фойдаланиш ва ҳимоя қилишни оқилона ташкил этишdir. Бунинг учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишига қаратилган илфор технологияларни қўллаш керак.

Бунда ташкилот экологик ва иқтисодий асосларини, экологик чора-тадбирлар комплексини жорий этиш ва зарарни олдини олиш харажатларини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларни яратишdir [4].

## International Conference on Education and Innovation

Шу билан бирга, ер мулкининг турлари ва шаклларидан қатъий назар, улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қодир бўлган ҳудудий даражада ер ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштирумасдан хўжалик фаолиятини эколизация қилиш масаласи ҳал қилиш мумкин эмас. Бундай тизимда ерларнинг барча тоифаларини ҳисобга олиш, шунингдек, улардан фойдаланишнинг энг самарали усувларини аниқлаш имконини берадиган бир қатор элементлар бўлиши керак, бу эса маъмурий тузилмалар ҳудудини районлаштириш асосида турли ҳил табиий ерлардан фойдаланишни ҳудудий жиҳатдан дифференциялашган ўрганиш зарурлигига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги серҳосил қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этилишини қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий фаолият субъектларини, балки бутун Ўзбекистон ахолисининг моддий фаровонлигини ошириш, миллий бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб боришни таъминлаб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ерлардан ресурсларидан фойдаланишнинг энг муҳим, устувор жиҳати сифатида куйидаги иқтисодий томонларини кўрсата оламиз:

биринчидан, ер эгалари ва уларнинг муҳим вазифалари ер ресурсларидан фойдаланиш ва ҳимоя қилишни қилишни оқилона ташкил этишdir. Бунинг учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишга қаратилган илгор технологияларни қўллаш муҳимдир;

иккинчидан, ерлардан самарали фойдаланиш жараёнида жамият барқарор мавжуд бўлиши учун зарур бўлган иқтисодий маҳсулот ишлаб чиқарилади, ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳати жараёнида ишлаб чиқарилган

## International Conference on Education and Innovation

иқтисодий маҳсулот ер ресурслари (тупроқ унумдорлиги)ни қайта ишлашнинг моддий асосини ташкил этади;

учинчидан, ер мулкининг турлари ва шаклларидан қатъий назар, улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қодир бўлган худудий даражада ер ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

**Сув тақчиллиги.** Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлашда барқарор ривожланиш мақсадларида келтирилган. Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда сув танқислиги муаммоси кўлами ортиб боряпти. Бу бир томондан, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли сув захиралари камайиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, агарар тармоқдаги йўқотишларда кўзга ташланмоқда.

Жумладан, аввало, захираларга тўхталадиган бўлсак, халқаро ташкилотлар тадқиқотларига кўра, 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошиб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Ўзбекистон ҳам бор. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига этиши мумкин.

Мутахассислар фикрича, 2050 йилгача сув ресурслари юртимизнинг асосий сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида эса 15 фоизгача камайиши мумкин. Бунинг илк аломатлари ҳозирдан сезилмоқда. Хусусан, юртимиз шароитида сўнгги 15 йилда ёғингарчилик миқдори 25 фоизга қисқаргани, ёз фаслида эса жуда иссиқ кунлар давомийлиги ортгани фикримиз тасдиғидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда”, деди.

Мана шундай мураккаб бир шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориша истрофгарчилик юқорилиги ҳам муаммо кўламини оширяпти.

## International Conference on Education and Innovation

Маълумотларга кўра, республикамизда бугунги кунда сугориша йўналтирилаётган 46 миллиард куб метр сувнинг 60 фоизигина далага етиб боряпти. Сугориш учун йўналтирилган сувнинг 40 фоизи сугориш тармоқларида, 20 фоизи эса даланинг ўзида йўқотиляпти. Демак, буни кескин камайтириш орқали вегетация даврида кузатилаётган 8-10 миллиард куб метрлик сув танқислигини қоплаш мумкин [5].

Навоий вилоятида сув тақчиллиги йиллар давомида кенгайиб охирги 12 йил давомида 17 минг гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб қолгани муаммони янада чигаллаштирмоқда. Сувни тежаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қарор билан тасдиқланган низомга кўра, пахта етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш тизими жорий этилган майдоннинг ҳар бир гектари учун Давлат бюджетидан бир марталик 8 млн сўм субсидия ажратили фермер хўжаликларига ҳам имконият ҳам маъсулиятни юклайди.

Хулоса қилиб айтганда Навоий вилоятини экологиясини таҳлил қилиш жараёнида шунга гувоҳ бўлдикки, минтақада узоқ муддатли барқарор ривожланишга қаратилган стратегик режани ишлаб чиқиш даркор. Бугунги кундаги муаммолар мураккаблашиб кетмаслиги учун пухта ишлаб чиқилган ҳудудий ривожланиш стратегиялари орқали экологик ва бошқа муаммоларни олдини олишга эришиш мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-171-сонли Қарори
2. Навоий вилояти экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси маълумотлари.
3. <https://kun.uz/news/2021/07/21/issiqxona-effekti-bu-qanday-hodisa-va-nimasi-bilan-xatarli>

**International Conference on Education and Innovation**

4. [https://uza.uz/uz/posts/atrof-muhitni-asrash-insoniyatni-asrash\\_353943](https://uza.uz/uz/posts/atrof-muhitni-asrash-insoniyatni-asrash_353943)
5. [https://uza.uz/uz/posts/barqaror-ekologik-rivozhlanishning-huquqiy-kafolatlari\\_545552](https://uza.uz/uz/posts/barqaror-ekologik-rivozhlanishning-huquqiy-kafolatlari_545552)

